



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 21 » aprel

№ 230

Toshkent sh.

ХДФУ
-нуса

Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматини яхшилаш лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ–5048-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ–5048-сон қарорига мувофиқ ичимлик сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизими объектларини қуриш ва таъмирлаш учун қўшимча дастур доирасида 1,055 трлн сўм миқдорида маблағлар ажратилганлиги;

мазкур қўшимча дастур бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастур (кейинги ўринларда – Дастур) ишлаб чиқилганлиги, ушбу Дастурнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тақдимоти ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сув таъминоти ва оқова сувларни тозалашнинг замонавий технологияларини жалб қилган ҳолда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш;

электр энергияси истеъмоли ва ичимлик сув йўқотишларини камайтириш, шунингдек, сув таъминоти ташкилотларида замонавий ускуна, машина ва механизмларни ҳамда ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш орқали сув таъминоти иншоотларини эксплуатация қилишни такомиллаштириш Дастурни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин.

3. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва “Ўзсувтаъминот” АЖнинг Дастурдаги объектларни қуриш ва реконструкция қилиш доирасида:

а) қуйидагиларни:

“Сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” унитар корхонаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини – буюртмачи;

“Ўзбеккоммуналлойихақурилиш” ДУКни – бош лойиҳа ташкилоти;

Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги объектлар бўйича “Ўзсувтаъминот” АЖнинг “Sayin suv inshootlari” МЧЖ ҚҚни ҳамда Наманган вилоятидаги объектлар бўйича “Янги авлод қурилиш инвест” МЧЖни – бош пудрат ташкилотлари этиб белгилаш;

Дастурдаги бошқа объектлар бўйича бош пудрат ташкилотларини – “СС” ва ундан юқори электрон рейтинг баҳосига эга бўлган пудрат ташкилотлари орасидан танлов (тендер) савдоларисиз Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда соҳа бўйича ҳудуд миқёсидаги тизим ташкилотлари тавсияларига биноан “Ўзсувтаъминот” АЖнинг тегишли қарорига асосан тўғридан-тўғри белгилаш;

б) буюртмачи, бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилотларига:

асосланган ҳисоб-китобларга кўра қурилиш ва реконструкция ишлари учун 30 фоиз аванс ҳамда зарур қурилиш материаллари ва жиҳозларини харид қилиш учун 100 фоиз аванс ажратиш;

2021 йил 20 ноябрга қадар зарур бўладиган белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган техник ва технологик асбоб-ускуналар (насос, зулфин, хлорлаш ускуналари ва б.) ва эҳтиёт қисмларни божхона тўловларини (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) тўлашдан ҳамда уларни мажбурий сертификатлаштиришдан озод этиш;

бош пудрат ташкилоти томонидан буюртмачи билан келишган ҳолда объект учун мўлжалланган, чет элдан келтириладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмларни бош пудрат ташкилотининг омбор майдонларида божхона омбори (ИМ-74) божхона режимида жойлаштириш ва қурилишда фойдаланишга;

бош пудрат ташкилоти корпоратив буюртмачи бўлган тақдирда, объектни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари доирасидаги давлат харидларини танлов савдолари (тендер) ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали амалга оширишга;

в) “Ўзсувтаъминот” АЖга республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан автотранспорт воситалари, махсус техникалар ҳамда жиҳозларни, истисно тариқасида, тендер (танлов) савдоларисиз маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг энг мақбул таклифлари асосида харид қилишга;

г) буюртмачи билан бош пудрат ташкилоти ўртасидаги қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича шартномаларни оферталар асосида тузишга;

д) “Ўзбеккоммуналлойихақурилиш” ДУК томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда ёрдамчи лойиҳа ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга, етакчи хорижий лойиҳа ҳамда инжиниринг ташкилотлари, шунингдек, хорижий ва маҳаллий юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;

е) 2021 йил 1 октябрга қадар қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга рухсат бериш;

ж) “Ўзбекистон республика товар хомашё биржаси” АЖ “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан биргаликда “Ўзсувтаъминот” АЖнинг ҳисоб-китоблари ва буюртманомаларига мувофиқ полиэтилен хомашёси (гранула) ёпиқ биржа савдолари орқали етказиб берилиши тўғрисидаги таклифларига, истисно тариқасида, розилик берилсин.

Бунда “Ўзстандарт” агентлиги “Ўзсувтаъминот” АЖ билан биргаликда мувофиқлик ва сифат сертификатларига эга маҳаллий қувур ишлаб чиқарувчи ташкилотлар рўйхатини бир ҳафта муддатда шакллантирсин.

4. “Ўзсувтаъминот” АЖга Дастурдаги объектларни қуриш ва реконструкция қилишда техник назорат самарадорлигини ошириш мақсадида илғор хорижий мамлакатлар мутахассисларини аутсорсинг асосида жалб қилиш тавсия этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қурилиш вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ билан биргаликда Дастурга киритилган объектларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари ўн кун муддатда тақдим этилишини таъминласин.

6. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Дастур доирасидаги геологик жиҳатдан кам ўрганилган объектларнинг ичимлик сув ҳолати ҳақида буюртмачининг сўровномаларига асосан қисқа муддатларда хулосалар беришни ҳамда тегишли шартномалар асосида муайян кудуқларни бурғилаш ишларини амалга оширсин.

7. Белгилансинки:

жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали юқори сифатни таъминлаш мақсадида объектларни қабул қилиш жараёнига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари аъзолари жалб қилинади;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг “Smart Qurilish” электрон платформаси орқали барча объектлардаги қурилиш ишларини “онлайн” режимда кузатиб бориш имконияти яратилади.

8. Дастур доирасида иштирок этадиган хорижий ташкилотлар вакиллари ва хорижий мутахассисларга “Ўзсувтаъминот” АЖ буюртманомалари асосида:

Ички ишлар вазирлиги белгиланган тартибда кўп марталик визалар беришни, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва унинг муддатини узайтиришни амалга оширсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хорижий мутахассисларни республикага жалб этишга рухсатномалар, шунингдек, мазкур хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар берилишида (муддатини узайтиришда) амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг виза талабномаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Пудрат ташкилотлари билан танлов (тендер) савдоларини ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартнома тузиш, зарур техника ва қурилиш материалларини харид қилиш жараёнида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга ҳамда Дастурдаги объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари шаффофлик билан амалга оширилишига уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятлов ва “Ўзсувтаъминот” АЖ раиси в.б. С.И. Саифназаров шахсан жавобгар ҳисобланади.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятлов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов